

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМУРОТОВ ФОЗИЛ САРИБАЕВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ РИВОЖЛАНИШИНИ
ОПТИМАЛ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ
(Хоразм вилояти мисолида)**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in economic
sciences**

Холмуротов Фозил Саробаевич

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш
усуллари (Хоразм вилояти мисолида)3

Холмуротов Фозил Саробаевич

Методы оптимального регулирования развития сельскохозяйственного
производства (на примере Хорезмской области)27

Kholmurotov Fozil Saribayevich

Optimal regulation methods of the development of agricultural production (on the
example of Khorezm region)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМУРОТОВ ФОЗИЛ САРИБАЕВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ
РИВОЖЛАНИШИНИ ОПТИМАЛ ТАРТИБГА СОЛИШ
УСУЛЛАРИ
(Хоразм вилояти мисолида)**

08.00.06 –Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt1863 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб - саҳифаси (www.urdu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллаев Илёс Султанович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.
Расмий оппонентлар:	Бойхонов Баходир Турсунбоевич, иқтисодиёт фанлари доктори. Сауханов Жанибек Казиевич, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.1.55.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, факс.: (99 862) 224-57-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишин мумкин (0218 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, факс: (99 862) 224-57-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «16» декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил «16» декабрь даги 21 рақамли реестр баённомаси).



Хатамов О.К. Хатамов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д.
Рузметов Ш.Б.Рузметов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.и., доцент.
Рузметов Б.Рузметов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш комиссиясидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ресурслардан фойдаланиш ўз чегараларига яқинлашаётган шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини аниқлаш масалалари тобора мураккаблик касб этмоқда. Шу билан бирга глобаллашув жараёни ҳозирги даражасида дунё мамлакатларида қашшоқликни тугатиш, умумий фаравонликни ошириш, 2050 йилга бориб 9,7 миллиард аҳолини тўйдириш лойиҳасини амалга оширишда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш энг кучли воситалардан бири сифатида қаралмоқда¹. Шу сабабдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини аниқлаш, маҳсулот етиштириш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш, сотиш, хизмат кўрсатиш жараёнларини ривожлантириш, уларда инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектлар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар гуруҳини шакллантириш ва таснифини ишлаб чиқиш, соҳани турли хил дастаклар билан қўллаб-қувватлаш асосида барқарорлигини таъминлаш, ушбу дастаклардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга оид кенг қамровли илмий изланишларга катта эътибор берилмоқда. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш жараёнларига инновацион усулларни жорий қилиш, мавжуд салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулот нобуд бўлишини олдини олиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида мавжуд базасини сақлаб қолишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ишларида замонавий статистик ҳамда эконометрик усуллардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантириш, хусусан ишлаб чиқаришни ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини аниқлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, хусусан, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”² каби қатор вазифалар белгиланган. Бу борада қишлоқ

¹ Манба: <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солишда инновацион технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларнинг интенсив ҳамда экстенсив манбаларини аниқлаш, ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш асосида эконометрик моделларни самарали қўллаш юзасидан илмий изланишларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигини инновацион бошқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини диверсификациялаш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиш ва унинг тўсиқлари ва оқибатлари кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Yan Su, Xianping Wang, Goetz Renan, Ademola A. Adenle, E. Jane Morris, Govindan Parayil, Rozélia Laurett, Arminda Paço, Emerson, Wagner Mainardes, Jessica Rudnick, Meredith Niles, Mark Lubell, Laura Cramer³, ва бошқалар илмий изланишларида мазкур масалалар тадқиқ қилинган.

МДҲ олимларидан Кравченко Р.Г., Цвиль М.М., Шумилина В.Е., Синельников В.М., Корсун Н.Ф., Марков А.С., Подашевская Е.И., Ерешко Ф.И., Меденников В.И., Кульба В.В., Носонов А.М., Иванова И.А., Савкин В.И., Нам

³Yan Su, Xianping Wang. Innovation of agricultural economic management in the process of constructing smart agriculture by big data. Sustainable Computing: Informatics and Systems. Volume 31. 2021. 100579. ISSN 2210-5379. <https://doi.org/10.1016/j.suscom.2021.100579>; Goetz, Renan. (1997). Diversification in Agricultural Production: A Dynamic Model of Optimal Cropping to Manage Soil Erosion. American Journal of Agricultural Economics. 79. 341-356. 10.2307/1244134.; Ademola A. Adenle, E. Jane Morris, Govindan Parayil. Status of development, regulation and adoption of GM agriculture in Africa: Views and positions of stakeholder groups. Food Policy. Volume 43. 2013. Pages 159-166. ISSN 0306-9192. <https://doi.org/10.1016/j.foodpol.2013.09.006>; Rozélia Laurett, Arminda Paço, Emerson Wagner Mainardes. Sustainable Development in Agriculture and its Antecedents, Barriers and Consequences—An Exploratory Study. Sustainable Production and Consumption. Volume 27. 2021. Pages 298-311. ISSN 2352-5509. <https://doi.org/10.1016/j.spc.2020.10.032>; Jessica Rudnick, Meredith Niles, Mark Lubell, Laura Cramer. A comparative analysis of governance and leadership in agricultural development policy networks/ World Development. Volume 117. 2019. Pages 112–126. ISSN 0305-750X. <https://doi.org/10.1016/j.worlddev.2018.12.015>; M. Roobavannan, J. Kandasamy, S. Pande, S. Vigneswaran, M. Sivapalan. Sustainability of agricultural basin development under uncertain future climate and economic conditions: A socio-hydrological analysis. Ecological Economics. Volume 174. 2020. 106665. ISSN 0921–8009. <https://doi.org/10.1016/j.ecolecon.2020.106665>.

М.А., Байдаков А.А., Муратова Л.Г., Сальников С.Г., Горбачев М.И.⁴ асарларида қишлоқ хўжалигида иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш, эконометрик таҳлил ва моделлаштириш, иқтисодий таваккалчиликларни прогнозлаш каби масалалар ҳамда уларнинг ечими ёритиб берилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Гулямов С.С., Шодиев Т.Ш., Абдуллаев Ё.А., Махмудов Н.М., Беркинов Б.Б., Бегалов Б.А., Досчанов Т.Д., Рузметов Б.Р., Абдулаев И.С., Нигмаджанов У., Мухитдинова У.С., Жумаев И.К., Хужакулов Х.Д., Хўжаев А.С.⁵ ва бошқалар илмий изланишларида эконометрик моделлаштириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тартибга солиш, хўжаликлар ривожланиш тенденция ва истиқболларини эконометрик прогнозлашнинг, минтақавий иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш, Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш шароитида таркибий ўзгаришларнинг самарали йўллари статистик методлар асосида ишлаб чиқишнинг назарий-услубий ҳамда илмий-амалий муаммолари тадқиқ этилган.

⁴ Кравченко Р. Г. Математическое моделирование экономических процессов в сельском хозяйстве. – М.: Колос, 2009. – 424 с.; Цвиль М.М., Шумилина В.Е. Эконометрический анализ и моделирование в сельском хозяйстве// Инженерный вестник Дона, №4 (2014).; Синельников В.М., Корсун Н.Ф., Марков А.С., Подашевская Е.И. Моделирование и оптимизация в агропромышленном комплексе. Курсовое проектирование: учебно-методическое пособие. Минск: БГАТУ, 2015 – 156 с.; Ерешко Ф.И., Меденников В.И., Кульба В.В. Моделирование сценариев цифровизации сельского хозяйства// XIII Всероссийское совещание по проблемам управления ВСПУ, Москва 17-20 июня 2019 г.; Носонов А.М. Циклично- генетические закономерности инновационного развития сельского хозяйства России/ Носонов А.М.// Журн. экон. теории. – 2015. – №1. – С. 89–96.; Иванова И.А. Прогнозирование экономических рисков в сельском хозяйстве с учетом цикличности его развития/ Иванова И.А.// Вестн. НГУЭУ. – 2013. – №4. – С. 229–238.; Савкин В.И. Развитие экологического менеджмента в аграрном секторе экономики: теория, методология, практика: автореф. дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.05 / Савкин В.И. – Орел, 2011. – 51с.; Нам М.А. Стратегическое прогнозирование предпринимательской деятельности в молочно-продуктовом подкомплексе АПК: дис. ...канд. эк. наук: 08.00.05 / Нам М.А. – СПб., 2014. – 118 с.; Байдаков А.А. Прогнозирование структурных изменений развития аграрного предпринимательства: дис. ... канд, экон. наук: 08.00.05 / Байдаков Александр Андреевич – Ставрополь, 2016. – 239 с.; Меденников В.И., Муратова Л.Г., Сальников С.Г., Горбачев М.И. Экономико-математическое моделирование сценариев информатизации сельского хозяйства// Международный сельскохозяйственный журнал. 2018. №4. С. 23-27.

⁵ Gulyamov S.S., Abdullaev A.M., Olimjonov A.U. Vaqtli qatorlarning statistik tahlili va mavsumiy tebranihlarni prognozlashtirish. /В.То.,rayevning umumiy tahriri ostida. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 284 bet; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. ...док. экон. наук. Т. 1988. – 380 с.; Абдуллаев Ё.А. Статистика назарияси. Дарслик, –Т.: Ўқитувчи, 2002. – б. 592.; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопка перерабатывающих отраслей: Автореф. дисс. ...док. эк. наук. –Т.: ТГЭУ. 1993. – 36 с.; Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. – Т.: Фан, 1991.; Бегалов Б.А. Ахборот коммуникациялар бозорининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. иқт.фан.док.дисс. –Т.: ТДИУ. 2001. – 330 б; Досчанов Т.Д. Экономико-экологические основы производства и применения продукции химической промышленности в АПК. дисс. на. соис. докт. экон. наук. Т.: 1990. – 405 с. , Рузметов Б.Р. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дисс. ...док. эк. наук. –Т.: 1998. – 39 с. Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. иқт.фан.док. автореф. – Т.: ТДИУ. 2017. – 66 б., Нигмаджанов У. Проблемы трансформации и функционирования АПК Узбекистане в переходный период к рыночной экономике. Автореф. дисс. ... док. эк. наук. – Т.: – 2002., Мухитдинова У.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш йўналишлари. Иқт.фан.док. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2010 – б. 36. Жумаев И.К. Фермер хўжаликлари ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини эконометрик башоратлаш. Иқт.фан.док. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т.: 2011 – б.43.; Хужакулов Х.Д. ва б. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш шароитида таркибий ўзгаришларнинг самарали йўллари статистик методлар асосида ишлаб чиқиш. Монография. Т.: Навруз, 2018 – 206 бет., Хўжаев А.С. мева сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий-статистик таҳлили. Фалсафа доктори (PhD) илм. дар. олиш учун ёзилган дис. Автореф. – Т.: 2019 – б. 26.

Бироқ мазкур тадқиқотларда, қишлоқ хўжалиги ривожланиши, тартибга солиш ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболларини эконометрик баҳолаш масалалари кенг ёритиб ўтилган бўлишига қарамадан, бугунги жаҳон иқтисодиётидаги даврий тебранишлар кучайиб бораётган бир шароитда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усуллари яхлит бир тизим сифатида таҳлил қилиш ҳолатлари ва муаммога комплекс ёндашиш масалалари етарлича ўрганилмаганлиги бу борада эконометрик ва статистик усуллар асосида чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этиши мазкур мавзунинг тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-87 “Худудий иқтисодий тизим ривожланишини прогноз қилишда комплекс сонли моделларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усуллари аниқлаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектлар фаолиятига таъсир қилувчи муҳим бўлган ички ва ташқи омиллар гуруҳлари шакллантириш ва уларнинг таснифи ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш функцияларининг эластиклиги коэффицентлари таҳлили ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш манбаларини аниқлаш алгоритми асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг интенсив ва экстенсив манбаларини аниқлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз қийматларини ишлаб чиқиш ва ривожланишини оптимал тартибга солиш усуллари аниқлашнинг комплекс ўзгарувчили моделларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги, хусусан деҳқончилик ва чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини кўп вариантли эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларни етиштириш жараёнида қатнашувчи субъектлар олинган.

Тадқиқот предметини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, омилли таҳлил, регрессион ва корреляцион таҳлил, эконометрик моделлаштириш каби усуллар ҳамда комплекс ўзгарувчили моделлардан самарали фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариши ривожланишида унга таъсир қилувчи муҳим бўлган ички ва ташқи омиллар гуруҳлари GI – ўсиш индекси, LI – ёруғлик индекси; TI – ҳарорат индекси; MI – ҳавонинг нисбий намлиги индекслари асосида рентабелликни таъминловчи экстенсив ва интенсив усуллари такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариши ривожланиш жараёнларига, маҳсулот етиштириш ҳажмига, ҳосилдорликка таъсир қилувчи омилар таъсирини SOYGRO, GLYCIM ва SOYMOD динамик симуляция моделлари асосида маҳсулотнинг ҳар қандай босқичидаги ҳолатини рақамли қийматларини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ривожланишини оптимал тартибга солишда мавжуд ресурслар ва салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишга асосланган комплекс сонли ўзгарувчи моделлари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариши ривожланишининг истиқболдаги 2022–2025 йилларга прогноз кўрсаткичлари кўп вариантли эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчи фаолиятига таъсир қилувчи муҳим бўлган ички ва ташқи омиллар гуруҳлари шакллантирилган ва уларнинг таснифи ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг интенсив ва экстенсив манбалари аниқланган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз қийматларини ишлаб чиқиш ва ривожланишини оптимал тартибга солиш усуллари аниқлашнинг комплекс ўзгарувчи моделлар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги, хусусан деҳқончилик ва чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг истиқболдаги 2021–2025 йилларга прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган ёндашув, хусусан, миқдорий усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси даврий ҳисоботларидан олинганлиги, эконометрика ва статистика усуллари воситасида асосланганлиги, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усуллари аниқлаш, субъектлар фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар таснифини ишлаб чиқиш ва таъсирини баҳолаш ҳамда истиқболдаги кўрсаткичларини асослаш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсияларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш, ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солишнинг услубий-назарий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги статистик усуллар ва эконометрик моделлар, таклиф ва хулосалардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини аниқлаш, соҳани ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли давлат, минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг интенсив ва экстенсив манбаларини аниқлаш ва улар таъсирини баҳолаш ҳамда олий ўқув юртларида “Статистика ва эконометрика” фанларини ўқитишда ва соҳага оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усулларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариши ривожланишида унга таъсир қилувчи муҳим бўлган ички ва ташқи омиллар гуруҳлари GI – ўсиш индекси, LI – ёруғлик индекси; TI – ҳарорат индекси; MI – ҳавонинг нисбий намлиги индекслари асосида рентабелликни таъминловчи экстенсив ва интенсив усуллари бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 7 сентябрдаги 05/032-3639-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнлари бўйича тезкор, ишончли ва бирламчи маълумотларни олиш имконияти яратилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариши ривожланиш жараёнларига, маҳсулот етиштириш ҳажмига, ҳосилдорликка таъсир қилувчи омилар таъсирини SOYGRO, GLYCIM ва SOYMOD динамик симуляция моделлари асосида маҳсулотнинг ҳар қандай босқичидаги ҳолатини рақамли қийматларини баҳолаш усуллари бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 7 сентябрдаги 05/032-3639-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда барқарор ривожланишини таъминлаш йўналишларини белгилашда фойдаланиш имкониятини яратган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ривожланишини оптимал тартибга солишда мавжуд ресурслар ва салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишга асосланган комплекс сонли ўзгарувчили моделларини ишлаб чиқиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 7 сентябрдаги 05/032-3639-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш мавсумий тебранишларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб Хоразм вилоятида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг реал қиймати 2025 йилга келиб 1,16 баробарга ошиши таъминланади;

қишлоқ хўжалиги, хусусан деҳқончилик ва чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг истиқболдаги 2021–2025 йилларга прогноз кўрсаткичларини

ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 7 сентябрдаги 05/032-3639-сон маълумотномаси). Натижада, прогноз натижалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шу жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Қишлоқ хўжалигида оптимал ривожланишини таъминлашни моделлаштиришнинг илмий-назарий ва услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида оптимал ривожланишни таъминлашда эконометрик моделлардан фойдаланишнинг назарий-услубий асослари, қишлоқ хўжалигини оптимал ривожлантириш моделлари тараққиёти эволюцияси, қишлоқ хўжалиги оптимал ривожланишини таъминлашни моделлаштиришнинг хорижий тажрибалари тадқиқ қилинган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига тўрт хил йўл билан ёрдам бериши мумкин:

а) Ички истеъмол учун мавжуд бўлган озик-овқат таъминотини ошириш ва саноатдаги бандликни таъминлаш зарур бўлган ишчи кучини бўшатиш.

б) Ишлаб чиқариш сектори учун ички бозор ҳажмини кенгайтириш.

в) Ички жамғармалар таклифини ошириш.

г) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали ишлаб топилган валютани эркин алмаштиришни таъминлаш.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш қишлоқ жойларида ҳаёт сифатини яхшилаш, бугунги ва келажак авлодлар учун зарурий миқдордаги озик-овқат таъминотини шакллантириш,

фермер ва деҳқон хўжаликлари учун етарли даромадга эга бўлиш имкониятини таъминлашни англатади. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш, келажак учун ишлаб чиқариш қувватларини таъминлаш ва сақлаш, атроф-муҳитга зарар етказмасдан, табиий ресурсларга хавф солмасдан самарадорликни оширишни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бу маҳаллий билимларни ҳурмат қилиш ва эътироф этиш, табиий ресурсларни бошқаришни шаклланган маҳаллий усуллари, келажак авлод истиқболига зиён етказмасдан ҳозирги авлод имкониятларини тарғиб қилиш учун ҳаракатларни талаб қилади.

Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқишда статистик ва эконометрик моделлардан фойдаланиш, хорижий тажрибаларни ўрганишни талаб қилади.

Қатор хорижий олимлар ўз тадқиқотларида регрессион таҳлилни амалга ошириш техникаси ва қўлланишини қайта кўриб чиқишган⁶. Улар томонидан олинган натижалар ва хулосаларга кўра регрессион таҳлил асосида мавжуд жараённинг ҳосил бўлган тенгламалари эмпирик хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг параметрлари физиологик аҳамиятга эга эмас. Масалан ушбу техникадан фойдаланган ҳолда қуйидаги тенгламага эга бўлиш мумкин:

$$Y = a + \sum_{i=1}^n b_i x_i + \sum_{j=1}^m c_j T_j + e \quad (1)$$

Бу ерда: Y – экин ҳосилдорлигини ифодалайди; a, b ва c кабилар регрессион коэффицентлар; x_i – иқлим ўзгаришини ифодаловчи ўзгарувчилар; n – иқлим ўзгарувчилари сони; T_j – технологик ўзгарувчилар; m -технологик ўзгарувчилар сони; e – бошқа омиллар таъсирини ифодалашга хизмат қилувчи тасодифий миқдор.

Иқлим ўзгарувчилари сифатида экинлар циклининг ўртача ойлик ҳарорати, ёғингарчилик ва қуёш нурланиши, технологик ўзгарувчилар сифатида ўғит миқдори ва тупроқ сифати каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Мазкур турдаги модел, катта миқдордаги маълумотлар, маълум шартлар асосида ишлаб чиқилганидагина етарли даражада аниқ бўлади, бироқ уни ишлаб чиқилган шароитлардан бошқа ҳолатлар учун экстраполяция қилиш имкониятлари чекланганлиги қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Ўсиш тенгламалари ва кўрсаткичларига эътибор қаратиб ўтамиз. Ўсиш индекси концепцияси иқлим кўрсаткичи ғоясидан келиб чиқади, бунда ўсимлик ёки экин атрибутларининг нисбий ривожланиши бир ёки бир нечта иқлим ўзгарувчилари функцияси сифатида ифодаланади. Илмий тадқиқот ишларида ўсиш индекси кўриниши қуйидаги шаклда ифодаланган⁷:

$$GI = TI * LI * MI \quad (2)$$

⁶ HUNT, R. Plant Growth Analysis. London: Edward Arnold, 1978. (Studies in Biology 96).; HUNT, R. The fitted curve in plant growth studies. In: ROSE, D.A.; CHARLES-EDWARDS, D.A. (Ed.). Mathematics and plant physiology. London: Academic Press, 1981.

⁷ FITZPATRICK, E.A.; NIX, H.A. The climatic factor in Australian grassland ecology. In: MOORE, R.M. (Ed.) **Australian grasslands**. Canberra: Australian National University Press, 1970.

Бу ерда: GI – ўсиш индекси (маълум ҳудудда эришиши мумкин бўлган максимал маҳсулдорликнинг улуши); LI – ёруғлик индекси; TI – ҳарорат индекси; MI – ҳавонинг нисбий намлиги индекси.

LI , TI ва MI мос равишда ҳосил олиш цикли давомида кузатилган қуёш радиацияси, қайд қилинган ҳарорат даражаси ва ёгингарчилик/буғланиш шароитларини ифодалайди ва максимал ҳосилдорликни таъминлайди.

Шунингдек ҳақиқий ҳосилни ҳисоблаш учун FAO томонидан қуйидаги моделдан фойдаланилган ⁸:

$$\left(1 - \frac{Y_a}{Y_x}\right) = K_y \left(1 - \frac{ET_a}{ET_x}\right) \quad (3)$$

Бу ерда Y_x – олиш мумкин бўлган максимал ҳосил миқдори; Y_a – ҳақиқий ҳосил миқдори; ET_x – максимал эвапотранспирация; ET_a – ҳақиқий эвапотранспирация; K_y – эвапотранспирация пасайишининг ҳосил йўқотишларига таъсирини ифодаловчи рентабелликка жавоб берувчи омил.

Келтирилган моделни индекслар асосида шакллантирилган модел деб ҳисоблаш мумкин чунки, унинг таркибий қисмлари: $K_y \cdot (1 - ET_a/ET_x)$ сув танқислигини ифодаловчи индекс ва $(1 - Y_a/Y_x)$ кузатилган ҳосилдорлик ва потенциал унумдорлик орасидаги муносабатни ифодаловчи индекслардан иборат бўлиб, улар орасидаги боғлиқликни ўрганади.

Маҳсулотлар ўсишини динамик равишда симуляция қилиш моделларини ишлаб чиқишда ўсимликнинг ҳар қандай босқичидаги ҳолатини миқдорий равишда аниқланган ўзгарувчан ўзгарувчиларнинг рақамли қийматлари билан тавсифлаш мумкин деб тахмин қилинади.

Мазкур йўналишда амалга ошириладиган жараённи тушунишга осон бўлиши учун динамик симулятор моделининг қисқача тавсифига тўхталиб ўтмоқчимиз:

$$MCS_t = MCS_{t-1} + TCC_t * \Delta t \quad (4)$$

Бу ерда: MSC_t – t вақтидаги ҳосилнинг қуруқ массасини назарда тутуди; MSC_{t-1} – $t-1$ вақтидаги массаси; TCC_t – t вақтдаги экиннинг ўсиш даражаси; Δt – вақт оралиғи (кунлар).

Математик жиҳатдан TCC_t қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$TCC_t = EC (FC_t - M * MSC_t) \quad (5)$$

Бу ерда EC – массадаги фотосинтез материалларини айлантириш самарадорлиги, FC_t – t вақтдаги ўсимликнинг янги фотосинтез тезлиги, M – ҳосилнинг физиологик жараёнларни сақлаш коэффициентини

$$FC_t = F_{MAX} * LAI_t * FL * F \quad (6)$$

⁸ FOOD AND AGRICULTURE ORGANIZATION OF THE UNITED NATIONS Rome, 2012.

⁹ Hundal, Sukhdev & Kaur, Harpreet & Ghahreman, Nozar. Dynamic crop simulation models and their applications: Indian experience with DSSAT models. 2010.

Бу ерда: F_{MAX} – идеал шароитлар учун максимал фотосинтез тезлиги; LAI , – ўша кундаги барглар майдони индекси, FL – кеча ва кундуз узунликлари ўртасидаги нисбат; F – атроф-муҳит шароитлари учун F_{MAX} ни сошлаш коэффициентлари.

Кейинги босиқда моделлардан амалиётда кенг фойдаланиш ва аниқ натижаларга эришиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида эмпирик моделлар шакллана бошлади. Амалий моделлари нуқтаи назаридан эмпирик модел одатда тизимнинг соддалаштирилган математик модели бўлиб, бир қатор ўзгарувчиларни қамраб олади. Иқлим функцияси сифатида экинларни прогноз қилиш моделларининг аксарияти миллий ҳукумат даражасидаги эмпирик моделлар ҳисобланади. Бу каби моделлар фойдали аналитик воситалар бўлишига қарамай, уларда реаллик ва умумийлик етишмаслиги кузатилади, яъни улар махсус шароитда яратилгани боис бошқа шароитларда етарли даражада яхши натижа бермайди.

Қишлоқ хўжалигини моделлаштиришда жараённи ифодаловчи моделларни қўлланилиши соҳа ривожини ва мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади. Мазкур моделлар одатда ҳосилнинг қуйидаги омиллар таъсирида ўзгаришини баҳолаш учун фойдаланилган:

- метерологик: ёруғлик, иссиқлик ва сув;
- чекланганлик: моддалар ва сувнинг етарлилиги, токсик элементларнинг мавжудлиги ва тупроқнинг физик хусусиятлари;
- биологик: ҳашаротлар, касалликлар ва бошқа ўсимликлар билан рақобат.

Жаҳон амалиётида соя экинларига тадбиқ этиладиган моделларни ишлаб чиқилиши қишлоқ хўжалигида моделлаштиришнинг ривожланиши эволюциясида ўз ўрнига эга бўлиб, қатор моделлар ишлаб чиқилган. Хусусан, соя экинлари учун ишлаб чиқилган динамик симуляция моделлари халқаро даражада энг кенг тарқалган моделлар ҳисобланади:

- (1) GLYCIM¹⁰ ;
- (2) SOYMOD¹¹ ;
- (3) SOYGRO¹² .

Ушбу моделлар кириш параметрлари, фойдаланилган жараёнлар ва чиқиш параметрларига нисбатан тавсифланган.

GLYCIM моделлари: (1) чиқиш параметрлари (модел бўйича симуляция қилинган параметрлар): (1.1) ўсимлик турли қисмлари қуруқ массаси, (1.2) ловия ва уруғларнинг сони, (1.3) барг майдони, (1.4) фенологик босқичлар ва ўсимлик баландлиги; (1.5) ишлатиладиган жараёнлар (биологик концепциялар):

¹⁰ ACOCK, B.; REDDY, V.R.; WHISLER, F.D.; BAKER, D.N.; McKINION, J.M.; HODGES, H.F.; BOOTE, K.F. The soybean crop simulator GLYCIM: model documentation. Washington: USDA, 1985.

¹¹ MEYER, G.E.; CURRY, R.B.; STREETER, J.G.; MEDERSKI, H.J. SOYMOD/OARDC: a new dynamic simulator of indeterminate soybean growth, development and seed yield: I. theory, structure and validation. Ohio Agricultural Research and Development Center, 1979. (Research Bulletin, 1113), MEYER, G.E.; CURRY, R.B.; STREETER, J.G.; BAKER, C.H. Simulation of reproductive processes and senescence in indeterminate soybeans. Transactions of the ASAE, v.24, p.421, 1981.

¹² JONES, J.W.; BOOTE, K.J.; JAGTAP, S.S.; HOOGENBOOM, G.; WILKERSON, G.G. SOYGRO v.5.41: soybean crop growth simulation model. Gainesville: University of Florida. Agricultural Engineering Department and Agronomy Department, 1988. 53p. (Florida Agricultural Experiment Station Journal, 8304).

Ўсимликдаги углеро, азот ва бошқа минерал моддаларнинг оқими ва тупроқдаги сув, иссиқлик, нитрат ва кислород оқими кабилар бўлиши мумкин. Бошқа томондан эса (2) кириш параметрлари (ўсишга таъсир қилувчи омиллар): (2.1) қуёш нурланиши, (2.2) минимал ва максимал кунлик ҳарорат, (2.3) шамол тезлиги, (2.4) ҳавонинг нисбий намлиги, (2.5) ҳавонинг карбонат ангидрид концентрацияси, (2.6) тупроқ хусусиятлари ва ўсимликлар зичлиги.

Soymod моделлари: (1) чиқиш параметрлари: (1.1) уруғ ҳосилдорлиги, (1.2) 100 уруғнинг массаси, (1.3) эвапотранспирация, (1.4) ўсимлик баландлиги, (1.5) жами яратилган қуруқ моддалар; (1.6) ишлатиладиган жараёнлар: углерод ва азот ўртасидаги мувозанат учун ички назорат остидаги углеводлар, крахмал ва оксиллар оқими натижасида ўсимликнинг турли органлари қуруқ моддаларининг ўзгариши. (2) кириш параметрлари: (2.1) қуёш нурланиши, (2.2) минимал ва максимал ҳаво ҳарорати, (2.3) ёғингарчилик, (2.4) шамол, (2.5) тупроқ тури ва (2.6) экин зичлиги.

SOYGRO моделлари: (1) чиқиш параметрлари: (1.1) доннинг (ёки уруғнинг) ҳосилдорлиги, (1.2) ер майдони бирлигига мос келувчи ишлаб чиқарилган масса: барглар, илдизлар, поялар ва ловиялар; (1.3) асосий биологик концепциялар: фотосинат ишлаб чиқариш ва фенологик босқич, ловия ва уруғларнинг ўсиши учун оксилларни тўпланиши ва ремобилизациясига, дефоляция ва сув таъсирига боғлиқ ҳолда тақсимланиши. (2) ўсишга таъсир қилувчи омиллар: (2.1) фотосинтетик фаол нурланиш, (2.2) ўртача соатлик ҳарорат ва (2.3) илдиз зонасидаги тупроқ сув таркиби.

Фикримизча, суғорма деҳқончиликка асосланган ва бугунги кунда ресурслар, хусусан сув танқислиги ўз кучини кўрсатаётган бир даврда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларига илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларини қўллаш, омиллар таъсирини баҳолаш, ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишларини ишлаб чиқишда юқорида келтириб ўтилган моделлардан фойдаланиш, уларни мамлакатимиз шароитларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муҳим ва истиқболли йўналишлардан саналади.

Диссертациянинг **“Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигини минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсирини баҳолашнинг эконометрик моделлари”** деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалиги ривожига таъсир қилувчи омилларни таснифи шакллантирилган, Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожланиш тенденциясининг статистик таҳлили амалга оширилган, қишлоқ хўжалигини минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсирини баҳолашнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишда оптимал тартибга солиш усулларини танлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар мамлакат ва унинг минтақалар даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай муҳит яратиш ҳамда соҳада фаолият юритувчи субъектлар учун умумий шарт-шароитларни белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади. Натижада, мазкур омиллар таъсир даражаларини замонавий статистик ва эконометрик моделлар асосида баҳолаган ҳолда уларнинг оптимал меъёр ва мезонларини белгилаб бериш куннинг долзарб бўлган масалаларидан бири ҳисобланади.

Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усуллари танлашга кўплаб омиллар таъсир қилади. Уларнинг таъсир даражаларини замонавий статистик ва эконометрик тадқиқот усуллари асосида аниқлаш ҳамда улар орасидаги мутаносибликни таъминлаш, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ жараёнларни ўрганишда улардан кенг фойдаланиш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш билан боғлиқ қарорларни ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришишга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги ривожидида ўсиш ва барқарорлик даражасини аниқ маълумот ва статистик кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда қараб чиқиш мақсадида, яъни 2000-2020 йиллар маълумотлари асосида умумий қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришнинг тавсифловчи статистика кўрсаткичларини таҳлил қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилоятида 2000-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги ва унинг соҳаларида маҳсулот етиштириш динамика-сининг статистик таҳлили¹³

	<i>Қишлоқ хўжалиги</i>	<i>Чорвачилик</i>	<i>Деҳқончилик</i>
Среднее	1803.1	961.1	842.0
Стандартная ошибка	128.7	68.6	60.1
Медиана	1740.0	927.5	812.5
Мода	#Н/Д	#Н/Д	#Н/Д
Стандартное отклонение	589.8	314.4	275.4
Дисперсия выборки	174739.8	98867.4	75872.4
Экссесс	-1.4	-1.4	-1.4
Асимметричность	0.1	0.1	0.1
Интервал	1744.7	930.0	814.7
Минимум	916.1	488.3	427.8
Максимум	2660.8	1418.3	1242.5
Сумма	37866.0	20184.2	17681.8
Счет	21.0	21.0	21.0
Наибольший(1)	2660.8	1418.3	1242.5
Наименьший(1)	916.1	488.3	427.8
Уровень надежности(95.0%)	268.5	143.1	125.4

Муаллиф томонидан қишлоқ хўжалиги, хусусан чорвачилик ҳамда деҳқончиликда маҳсулот етиштириш ҳажмидаги барқарорлик даражасини қатор кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинган. Бунинг учун MsExcel ёрдамида олинган натижа ва кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилган.

Жадвал маълумотлари асосида ўртача миқдор ва меѓина кўрсаткичларини қиёсий таҳлилинини амалга оширадиган бўлсак, уларнинг барчасида сезиларсиз фарқ кузатилиши оғиш мавжудлиги аммо у аҳамиятли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Демак таҳлилни амалга ошириш учун танлаб олинган йиллар бош

¹³ www.xorazmstat.uz (Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси).

тўпламни ўзида акс эттиради ва умумий хулосалар чиқариш учун фойдаланишга яроқли ҳисобланади.

Стандарт четланишнинг катта бўлиши тўплам қийматларини ўртача қийматга нисбатан тарқалишини кенгроқ эканлигини, ўз навбатида кичик бўлиши эса қийматлар зичлигини ифодалайди. Нормал тақсимот қонунига кўра тўпламдаги ҳар қандай бирлик ўзининг ўртача қийматидан 3 ўртача квадратик четланиш миқдордан кам бўлган оралиққа тегишли бўлиши лозим.

Ушбу қонуниятга асосланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра қишлоқ хўжалигида етиштирилган жами маҳсулот учун қуйи чегара 33,5 миллиард сўмга юқори чегара эса 3572,8 миллиард сўмни, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда мос равишда 17,9; 1904,4 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришда эса 15,6 ҳада 1668,3 миллиард сўмни ташкил қилганлиги аниқланди. Юқори ва қуйи чегаралар орасидаги фарқнинг катта қийматга эга эканлиги тадқиқ қилинаётган даврда барқарорликни етарли даражада таъминланмаганлигини кўрсатади.

Экцесс коэффицентини таҳлил қилиш орқали ўрганилаётган тўпламдаги сонларнинг ёйилиши нормал тақсимот ёйилишига нисбатан қиёсий таҳлилинини амалга оширишга, бошқача айтганда тўплам мавжуд тенденцияни ўз ичига оладими ёки йўқми деган саволга жавоб беради. Манфий қийматга эга бўлиши нормал тақсимот бўйича ёйилишнинг анча кенг бўлганлигини ифодамоқда, ушбу кўрсаткича -2 дан $+\infty$ гача бўлган қийматларни қабул қилади.

Бизнинг таҳлилларимизда экцесс коэффиценти барча ҳолат учун $-1,4$ га тенг эканлиги аниқланди. Мазкур натижалар таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар олинган давр мобайнида барқарор бўлганлигини ифодалайди.

Агар аниқланган ассимметрия коэффиценти нолга тенг бўлса, симметрик тақсимот мавжуд бўлади. Шунингдек, ассимметрия коэффиценти A_s мусбат ва манфий бўлиши мумкин. Коэффицентнинг ижобий қиймати ўнг томонлама, манфий қиймати чап томонлама ассимметрия мавжудлигини кўрсатади. Амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларида фойдаланилаётган тўплам маълумотларининг ассимметрия коэффиценти $0,1$ га тенглиги аниқланди. Ушбу кўрсаткични етарли даражада кичик ва нолга яқин эканлиги фойдаланилаётган тўплам бирликлари нормал тақсимотга эгалигини асослайди. Юқорида амалга оширилган таҳлилларни кўсатишича кейинги 20 йилда Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги ва унинг соҳалари деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг барқарор ўсиши таъминланади.

Қишлоқ хўжалигини ЯҲМдаги салмоқли улуши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўсишга сезиларли таъсири унинг ҳудуддаги асосий иқтисодий кўрсаткичларни шакллантириш ҳамда ижтимоий муаммоларни бартараф этишда аҳамиятлилигини таъминлайди. Ушбу таъсирларни аниқ усуллар асосида баҳолаш ҳамда миқдорлар билан ифодалаш учун корреляцион таҳлиллар амалга оширилган.

Корреляцион таҳлил натижалари қишлоқ хўжалигининг вилоят ижтимоий – иқтисодий ривожига таъсири жуда юқори эканлигини, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгалигини асосламоқда. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигини ривожланиши учун шунга мос

равишда саноат ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳам ривожлантириш талаб қилинади. Келтирилган кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик даражаси регрессион таҳлил асосида аниқланган.

Дастлаб ЯХМ ҳажмига иқтисодий тармоқларидаги ўзгаришнинг таъсири ўрганилган.

$$GRP = 346.7 + 1.3 * AGR + 1.2 * IND + 0.2 * SER \quad (7)$$

$$se = (132.1) \quad (0.11) \quad (0.28) \quad (0.08)$$

$$t = (2.62) \quad (11.55) \quad (4.23) \quad (2.53)$$

Бу ерда: *GRP* – Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг реал қиймати млрд. сўмда, *AGR* – қишлоқ хўжалигида яратилган маҳсулотнинг реал қиймати млрд. сўмда, *IND* – саноатда яратилган маҳсулотнинг реал қиймати млрд. сўмда, *SER* – кўрсатилган хизматларнинг реал қиймати млрд. сўмда.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажмини бир миллиард сўмга оширилиши ЯХМ ҳажмини 1,3 миллиард сўмга ошишини таъминлайди. Саноат ва хизмат кўрсатишдаги ўзгариш эса мос равишда 1,2 ва 0,2 миллиард сўмга оширади. Келтирилган таъсирларни эластиклик коэффиценти ва ўсиш суръатлари бўйича қараб чиқиш мақсадида даражали функцияни ҳам ишлаб чиққанмиз ва у қуйидаги кўришинга эга бўлмоқда.

$$GRP = 14.6 * AGR^{0.40} * IND^{0.18} * SER^{0.2} \quad (8)$$

$$se = (0.21) \quad (0.04) \quad (0.03) \quad (0.03)$$

$$t = (12.77) \quad (9.23) \quad (5.58) \quad (5.99)$$

Қишлоқ хўжалигини бир фоизга ошиши ЯХМни 0,4 фоизга ошишини таъминлаган ҳолда энг юқори қийматга эга бўлмоқда. Саноат ва хизмат кўрсатиш ҳажмини бир фоизга ошиши ўз навбатида ЯХМни 0,18 ва 0,20 фоизга ошиши сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалигида ўсишни таъминлаш ЯХМни оширишнинг энг мақбул йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳамда уни экспортини амалга ошириш аҳоли реал даромадларини оширишга хизмат қилади. Регрессион таҳлиллар ушбу фикримизни тасдиқламоқда.

$$\ln(RINC) = 1.05 * \ln(AGR) + 0.06 * \ln(FOODex) \quad (9)$$

$$se = (0.004) \quad (0.014)$$

$$t = (239.5) \quad (4.34)$$

Бу ерда: *RINC* - Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар минг сўмда, *FOODex* - озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт ҳажми миллион доллар.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажмини бир фоизга ошиши аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳажмини ҳам 1,05 фоизга ошишини таъминлайди. Бироқ озиқ-овқат экспорти ва аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар ҳажми орасидаги эластиклик коэффиценти мусбат қийматга эга, бироқ жуда кичик миқдорни ташкил қилади. Бунинг асосий сабаблари ўрганилганида вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизими яхши ривожланмаганлиги, натижада жаҳон бозорига юқори қўшилган


қийматга эга бўлган, рақобатбардош маҳсулотларни олиб чиқиш масаласи ҳалигача ўз ечимини топа олмаётганлиги аниқланди.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бир фоизга оширилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини 0,42 фоизга оширади. Кўрсатилган хизматлар ҳажмидаги ўзгариш 0,35 фоизга ўзгаришни таъминлайди.


Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажмини бир фоизга оширилиши аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар 1,7 фоизга ошишига олиб келади. Озиқ-овқат экспортига тармоқлар таъсирини эластиклик коэффициенти асосида қараб чиқилди. Натижаларга кўра қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми бўйича эластиклик коэффициенти жуда юқори бўлиб, 10,1 га тенг эканлиги аниқланди. Бундан ташқари озиқ – овқат маҳсулотлари экспорт ҳажмига саноат ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг таъсири ҳам анча юқори эканлиги кузатиш мумкин, яъни булар бўйича эластиклик коэффициенти мос равишда 4,4 ва 3,6 ни ташкил қилмоқда. Бу каби юқори кўрсаткичларга эга бўлишнинг асосий сабабларидан бири кейинги даврда ҳукуматимиз томонидан ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ва унинг кўрсаткичларида кескин ўсишни таъминланаётганлигидир.

